



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР УЧУН ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАРГА МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев хорижий давлатлар ва ҳукumatлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларига мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан қутловлар йўлагани учун кўп миллатли халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларга берилган юксак баҳо ва хайрихоҳлик, икки томонлама дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлашга қаратаётган эътибори, шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатларини енгиб ўтишдаги самарали шериклик учун хорижий ҳамкорларга ташаккур айтди.

Мамлакатимиз хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан узоқ муддатли алоқаларни кенгайтириш, савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар, транспорт, туризм, фан, тиббиёт, таълим, маданият ва бошқа устувор йўналишларда қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш, кўп томонлама тузилмалар доирасида глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан конструктив мулоқотни давом эттириш учун очиқ ва тайёр экани қайд этилди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилда юздан зиёд хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни муносабати билан ўз қутловларини йўлаган, шу жумладан:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби **Антониу Гутерриш**;
Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**;
Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**;
Америка Қўшма Штатлари Президенти **Дональд Трамп**;
Қозғистон Республикаси Биринчи Президенти — Элбоши **Нурсултон Назарбаев**;
Қозғистон Республикаси Президенти **Қасим-Жомарт Тоқаев**;
Туркменистон Президенти **Гурбангули Берdimухамедов**;
Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;
Қирғиз Республикаси Президенти **Сооронбай Жээнбеков**;
Афғонистон Ислom Республикаси Президенти **Ашраф Ғани**;
Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
Арманистон Республикаси Президенти **Армен Саркисян**;
Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян**;

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;
Грузия Президенти **Саломе Зурабишвили**;
Молдова Республикаси Президенти **Игорь Додон**;
Украина Президенти **Владимир Зеленский**;
Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**;
Корея Республикаси Президенти **Мун Чже Ин**;
Япония Императори **Нарухито**;
Ҳиндистон Республикаси Президенти **Рам Натҳ Ковинд**;
Германия Федератив Республикаси Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер**;
Франция Республикаси Президенти **Эммануэль Макрон**;
Италия Республикаси Президенти **Серҗо Маттарелла**;
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қироличаси **Елизавета II**;
Белгияликлар Қироли **Филипп**;
Испания Қироли **Фелипе VI**;
Нидерландия Қироли Виллем-**Александр**;
Швеция Қироли **Карл XVI Густав**;
Австрия Республикаси Президенти **Александр Ван дер Беллен**;
Болгария Республикаси Президенти **Румен Радев**;
Венгрия Президенти **Янош Адер**;
Греция Республикаси Президенти **Катерина Сакелларопулу**;
Латвия Республикаси Президенти **Эгилс Левитс**;
Польша Республикаси Президенти **Анжей Дуда**;
Руминия Президенти **Клаус Вернер Йоханнис**;
Сербия Республикаси Президенти **Александр Вучич**;
Словакия Республикаси Президенти **Зузана Чапутова**;
Финляндия Республикаси Президенти **Саули Нийнистё**;
Чехия Республикаси Президенти **Милош Земан**;
Швейцария Конфедерацияси Президенти **Симонетта Соммаруга**;
Эстония Республикаси Президенти **Керсти Кальюлайд**;
Рим-католик черкови раҳбари **Франциск**;
Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**;
Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири **Мухаммад ибн Салмон Ол Сауд**;
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**;
БАА Қуроли кучлари Олий Бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди **Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;
БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Мухаммад бин Рошид Ол Мактум**;
Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;

Эрон Ислom Республикаси Президенти **Ҳасан Рухоний**;
Покистон Ислom Республикаси Президенти **Ориф Алвий**;
Покистон Ислom Республикаси Бош вазири **Имрон Хон**;
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Таббун**;
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Абдул Ҳамид**;
Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири **Шайх Ҳасина**;
Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти **Готабая Раҗапакса**;
Ўмон Султони **Ҳайсам бин Торик**;
Баҳрайн Подшоҳи **Ҳамад ибн Исо Ал Халифа**;
Иордания Подшоҳи **Абдалла II**;
Кувайт Давлати валиаҳди **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;
Исроил Давлати Президенти **Реувен Ривлин**;
Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;
Австралия Иттифоқи Генерал-губернатори **Дэвид Хёрли**;
Индонезия Республикаси Президенти **Жоко Видодо**;
Малайзия Подшоҳи **Султон Абдуллоҳ Риъятуддин Ал-Мустафо Биллоҳ**;
Малайзия Бош вазири **Тан Сри Мухиддин Яссин**;
Сингапур Республикаси Президенти **Халима Якуб**;
Филиппин Республикаси Президенти **Родриго Дутерте**;
Бруней Доруссалом Давлати Султони **Ҳасанал Болкиях**;
Лаос Халқ-Демократик Республикаси Президенти **Буньян Ворачит**;
Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти **Вин Мьян**;
Непал Федератив Демократик Республикаси Президенти **Бидхя Деви Бхандари**;
Мальдив Республикаси Президенти **Иброҳим Мухаммад Солиҳ**;
Куба Республикаси Президенти **Мигель Диас-Канель Бермудес**;
Никарагуа Республикаси Президенти **Хосе Даниель Ортега Сааведра**;
Ямайка Бош вазири **Эндрю Майкл Холнесс**;
БМТ Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ҲАО) бош директори **Цюй Дунъюй**;
Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби **Зураб Пололикашвили**;
Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби **Кунио Микурия**;
Ислom ҳамкорлиги ташкилоти бош котиби **Юсуф ал Усаймин**;
Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислom ташкилоти бош директори **Салим ал-Малик**;
Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котиби **Бағдат Амреев**;
МДХ Ижроия қўмитаси раиси — **Ижрочи котиби Сергей Лебедев**;
Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси президенти **Жильбер УнҒбо** ва бошқалар.

9 сентябрь — Тожикистон Республикаси Мустақиллиги куни

ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК ТУЙҒУСИ БАРДАВОМ

Тожикистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Президент Эмомали Раҳмон мамлакат халқига табрик йўллади.

29 йил аввал халқимиз давлат Мустақиллигини қўлга киритиб, ўз миллий давлатчилигини барпо этишга киришди. Мустақилликнинг бошланиши ва мустақил тожик давлатини қуриш йўлидаги биринчи йиллари Тожикистон халқи тарихида жуда мураккаб даврга тўғри келди. Уша йиллар давомида ватанпарвар Тожикистон халқи иродаси ва кучига таяниб, Тожикистон фуқаролик қарама-қаршилик оқибатларини бартараф этишга ва ёш тожик давлатини йўқолишдан асраб, миллатни эса бўлиниб кетишидан қутқариб қолди.

Тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши, сиёсий барқарорлик таъминланиши ва миллий бирлик мустақамланиши туфайли конституциявий ислохотни амалга ошириш, барча ҳокимият тармоқлари фаолияти такомиллаштирилиб, икки палатали парламент ташкил қилинди. Бу эса, Тожикистон сиёсий ва ҳуқуқий атмосферасида янгиллик ҳисобланади, — дейилади табрик нутқида.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Президент Эмомали Раҳмон раҳбарлигида Тожикистон ҳукумати томонидан қўрилган чоралар ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиёт ривожини таъминлаб, яппи ички маҳсулот реал ўсишини беш баробарга қўпайтириш имконини берди.

Мустақиллик йилларида Тожикистонда 1600 дан зиёд саноат корхоналари ташкил қилинди ва таъмирланди. 2000 мегаваттдан зиёдроқ янги энергетика қувватлари, 2200 километр халқаро автомобиль йўллари, 220 километр темир йўллар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тожик халқининг бунёдкорлиги туфайли Роғун ГЭСининг иккита агрегати фойдаланишга топширилди. Бугунги кунгача унда 1,6 миллиард киловатт соат

электр энергия ишлаб чиқарилди. Янги қувватлар ишга туширилиши натижасида қиш фаслида электр энергия етказиб бериш чекланиши бартараф этилди.

Мустақиллик даврида Тожикистонда аҳолининг даромади 125 баробарга ошди. Республикада камбағаллик даражаси 1999 йилдаги 83 фоиздан 26,3 фоизгача камайди. Уртача умр кўриш давомийлиги 1991 йилдаги 70 ёшдан 75 ёшга етди. Оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,5 баробар камайди.

Шу кунларда халқимиз миллий ғурур ва ватанпарварлик ҳисларига тўлиб, бизнинг улуғ миллий байрамимиз — давлат Мустақиллигининг 30 йиллигини муносиб қутиб олиш учун бутун мамлакатимизни бунёдкорлик, қурилиш ва фидокорона унумдорлик меҳнати майдонига айлантирди. Фурсатдан фойдаланиб, Тожикистоннинг кексаю ёшига, мамлакатимиз келажаги ва миллатимиз шон-шухрати, ободлиги учун меҳнат қилаётган барчага чин қалбдан тожик халқининг буюк байрамини ўз шодиёнасидек қабул қилади. Чунки маънавий олами, адабиёти, мусиқаси, кундалик турмуш тарзи бирига шу даражада яқин бўлган халқлар кам топилади.

Ўзбеклар ва тожиклар ҳақида сўз кетса, бежиз “икки тилда сўзлашувчи бир халқ” дейилмайди. Бир дараждан сув ичиб, кўз-қошдек, эт билан тирноқдек яқин қўшничиликда яшаб келаётган халқларимизнинг мустақам дўстлик ришталари асрларга бориб туташади.

Бироқ вақтлар бўлдики, қондош, қуда-анда халқлар орасига сунъий

«девор» қўйилди. Ўзаро бордикелди ушалмас орзуга айланди. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари турли сабаблар боис, тараңглашиб кетган эди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг яқин дўстлиги, сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз муносабатларини мисли қўрилмаган янги поғонага олиб чиқди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг ўша йили 17-18 август кунлари Ўзбекистонга илк давлат ташрифи ўзаро ҳамкорлик ривожига навбатдаги улкан тарихий воқеа бўлди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бундай тарихий ташрифлар, икки халқнинг дўстона учрашуви ўзининг амалий маҳсули ва ёрқин натижаси билан ун миллионлаб аҳолини қувонтирди.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилган 1992 йилдан буён икки мамлакат ўртасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада 150 дан ортиқ шартнома ва битимлар имзоланган. Бу ҳужжатлар ҳамкорлиқнинг муҳим йўналишларини қамраб олди ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда биргаликдаги ҳаракатларни мустақамлаш учун асос бўлди.

1993 йил 4 январда имзоланган Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, 2000 йил 15 июндаги Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома муносабатларимизнинг асосий тамойилларини белгилаб берган бўлса, кейинги йилларда имзоланган келишувлар икки халқнинг қалин дўстлигини янада мустақамлади.

Муносабат

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС — МИЛЛИЙ ҒОЯ СИФАТИДА



Абдурахим ЭРКАЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси

Учинчи Ренессанс ғоясини, аввало, жамиятимиз чуқур англаб олмоғи керак. Ҳар жабада, соҳада қиладиган ишларимиз, режаю истиқбол дастурларимиз,

Жонажон диёримиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев тантанали табрик нутқида тараққийимизнинг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлигини таъкидлади. Нихоятда жозибали мазкур стратегик ғоя ўзининг улуғворлиги, миллий юксалиш барча жабаҳларда қандай умумий мақсадни кўзламоғи зарурлигини кўрсатади. Амалда давлат раҳбари тараққийнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон миллий ғоясининг янги ва аниқлаштирилган мазмунини ифодалади.

Ренессанс нима? Нега Учинчи Ренессанс дейилмоқда?

“Ренессанс” луғавий французча “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиреди. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиб-лигидан кейин 15-16 асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб ўгирилган.

Бошланиши 1-бетда

Австриялик атоқли шарқшунос Адам Мецнинг 1909 йилда “Муслмон Ренессанси” номли фундаментал асари чоп этилган. Шундан буён Ренессанс фақат Европага оид ҳодиса эмаслиги, уни Шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади.

Россиялик буюк шарқшунос академик Н. Н. Конрад Ренессанс VII-VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Хиндистонда давом этгани, ундан IX-XII асрларда ислом мамлакатлари эстафетани қабул қилгани, мўғул истилоси туфайли анча пасайиб қолган юксалиш Амир Темур ва темурийлар даврида яна қайта гуркираб ўсганини таъкидлайди. У Ўрта Шарқ Уйғониш даврини Алишер Навоий замонасигача чўзади. Жавоҳарлал Неру Бобури ҳам Ренессанснинг типик вакили, деб баҳолаган эди.

XV асрдан Ренессанс Европага силжи. Бу пайтга келиб Европа 300-350 йил давомида ислом олимлари, жумладан, бизнинг буюк аждодларимиз асарларини, айниқса, Хоразмий, Фарғоний ва Ибн Сино асарларини латинчага ўгириб, чуқур ўзлаштириб олган эди. Европа Уйғонишига жуда кучли таъсир кўрсатганлардан бири Ибн Рушддир. Европа фалсафаси ва илмий тафаккурида XVI аср ўрталаригача аверроизм (Ибн Рушд таълимотига асосланган оқим) мавқеини сақлаб турди.

Афсуски, XVI асрнинг 30-40 йилларида бизда анъанавий жамият узил-кесил қарор топди. Илмий, бадиий изланишларга ижтимоий эҳтиёж пасайиб кетди. Ўтмиш ютуқлари олдида қуллук қилиш, уларни идеаллаштириш ва фақат тақорлашга уруниш, янгиликларга салбий муносабат шаклланди. Аста-секин чуқур турғунлик ва инқироз бошланди. Улар нохуш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний-мафкуравий, регионал низолар ва айирмачилик каби сабаблар билан қўшилиб, қолоқ бўлиб



қолишимизга, XIX аср иккинчи ярмида миллий мустақиллигимизни йўқотишга олиб келди. Ушундан биринчи бўлиб теран тарихий хулоса чиқарган — жадид боболаримиз эди. Улар тақлиф қилган ислохотлар миллатни қайта уйғотиш, тараққиёт томон буришни кўзлади. Аммо мустабид ҳокимият жаҳидлар ҳаракатини авж олмасдан бўғиб қўйди. Мустақилликка эришгандан кейин дастлаб чорак аср давомида миллий тикланиш билан шуғулланишга тўғри келди. Эндиликда миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтганимиздан кейин, учинчи Ренессансга эришишни давлат раҳбари стратегик вазифа этиб қўйди. Ҳақиқатан, тарихан олганда, биз икки Ренессансни бошдан кечирдик: биринчиси IX-XII асрлар, иккинчиси XIV аср охириги чораги — XVI аср биринчи чораги. Биринчи Ренессансда

юртимиздан Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби буюк даҳолар, буюк муҳаддислар — Бухорий, Термизий, мутакаллимлар — Мотуридий ва Абул Муин Насафий ҳамда бошқа атоқли дунёвий ва диний алломалар шури оламини ёритди.

Иккинчи Ренессансда — Улғубек, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қўшчи, Лутфий, Жомий, Навоий, Беҳзод, буюк меъморлар, бас-такорлар, мусаввирлар, тарихчилар чиқиб, бугун ҳам дунёни лол қолдираётган асарлар яратдилар.

Ҳар икки Ренессанс даврида биз дунёнинг илғор, мутараққий халқлари қаторида эдик. Агар яна шундай даражага эришмоқчи бўлсак, Учинчи Ренессансни амалга оширмоғимиз зарур.

Учинчи Ренессанс миллий ғояга айланиши зарур

Миллий ғоя аслида муайян халқнинг олий истиқбол мақсадини бир неча сўзларда ёки иборада мужассам ифодаловчи тушунчалар ёки шиор, иборадир. У халқни ўша мақсад йўлида бирлаштиради, сафарбар этади. Халқ барча сазй-ҳаракатларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятини унга мувофиқлаштиради.

Зарур бўлса, иқтисодий, ижтимоий муносабатларини, мамлакатнинг ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий асосларини, таълим-тарбия тизимини чуқур ислоҳ қилади. Миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири, аввало, халқнинг жинслигини, бирлигини, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир. Иккинчидан, миллатнинг олий мақсадини, ривожланиш марраларини, мўлжалларини умумий тарзда аниқлайди. Миллий ғоя турли ибораларда ифодаланиши мумкин. Лекин ифода шаклидан қатъи назар, халққа истиқболни, ижтимоий мўлжални кўрсатиши шарт.

Истиқлолга эришганимиздан кейин дастлабки йилларда “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” шиори олға сурилди. У амалда миллий ғоя вазифасини ўтади ва халқни бирлаштиришда, сафарбар этишда катта роль ўйнади. Мазкур жозибали шиорда урғу жамиятга эмас, давлатга берилганди. Кейинчалик миллий ғоя шаклан такомиллаштирилганда “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” ибораси олға сурилди. Унда урғу сиёсий ташиклотга (давлатга) эмас, балки ҳар киши учун, сиёсий, мафкуравий қарашларидан қатъи назар, бирдек азиз Ватанга ҳамда шахс ва жамият ҳеч қачон бефарқ бўлмайдиган эркинликка ва фаровонликка қўйилди. Миллий ғоянинг бундай тушунчавий ифодаси анча мукамаллик касб этди.

Аммо унинг мазмунини, уни амалга ошириш вазифаларини очиб беришга етарлича масъулият билан ёндашилмади. Айниқса, у ислохотларнинг йўналишлари, соҳалари, турли босқичлари, амалдаги ва эҳтиомолдаги муаммолари билан боғланмади. Натижада у мафкуравий қақирик, қуруқ шиор даражасида қолиб кетди. Аниқ муаммолар ва вазифалардан йироқлиги учун одамларга таъсири аста-секин сусая бошлади.

Катта қизиқиш ва ҳайрихоҳлик билан қутиб олинган “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” бугун иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимизга реал таъсир кўрсатаётирми, деган саволга аниқ жавоб бериш анча мушкул. Миллий ғояни жонлантириш учун уни Учинчи Ренессанс ғояси билан бойитиш зарур. Фақат Учинчи Ренессансни амалга ошириб, биз озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаётни барпо эта оламиз. Ёки, яна қулайроғи, Учинчи Ренессансга эришишни миллий ғоянинг янги ифодаси, деб зълон қилиш мақсадга мувофиқ.



Миллий ғоя жорий вазифаларни эмас, балки стратегик олий мақсадни ифодалайди. Шу маънода Учинчи Ренессанс ғояси истиқболга интилишга жуда мос келади. Мазкур ғоянинг сафарбарлик кучи, умуман, мафкуравий салоҳияти жуда юқори. Айни чоғда ўтмиш тарихимизнинг шошли саҳифалари, буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланади. Бизга мазкур тушунча кимларнинг ворислари эканимизни эслатиб туради. Янги Ренессанс йўлида халқимиз турли майда, вақтинчалик масалаларга, ғуруҳбозлик, маҳаллийчилик, айирмачилик, мафкуравий мутаассиб-ликнинг ҳар хил қўри-нишларига қалғимаслиги керак. Тарих сабоқларини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Учинчи Ренессанс ғояси миллий руҳиятимизга, халқимиз армон-орзусига яқин. Зотан, халқ илгари оққан дарёси яна оқишини астойдил истайди.

Учинчи Ренессанс ғоясини ҳаётий ва таъсирчан миллий ғояга айлантиришни нимадан бошламоқ керак?

Холва деган билан оғиз чучимаганидек, Ренессанс деган билан у содир бўлиб қолмайди. Бунинг учун ҳар томонлама пухта уйланган сиёсат олиб борилиши, халқда руҳий кўтарилиш, қатъий иродали интилиш юз бермоғи зарур.

Аввало, тушунча мазмунини аниқ очиб бериш, аҳолининг барча қатламлари, аввало, ёшлар онига етказиш керак. Ўтмиш ренессанслари даврида аждодларимиз нималарга эришганини, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, бошқа халқлар,

минтақалар ютуқлари билан таққослаб, жаҳоннинг етакчи маданиятларидан, илм-фани, санъати ва адабиётларидан бирини, илғор ижтимоий фикру қарашларини яратганини қисқа, лўнда, даб-дабали жумлаларсиз ёритиш зарур.

Шунингдек, уларнинг инқироз сабаблари ҳолис таҳлил этилмоғи лозим. Буюк географик кашфиётлар туфайли Буюк Ипак йўлининг тўхтаб қолгани объектив сабаблардан бири бўлса-да, ички ва ташқи низолар, тахт талашлиб, айирмачилик ва уч давлатга бўлиниб кетиш, инсон комиллиги фақат инсоннинг ички дунёсига қаратилиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига етарлича эътибор бермаслик

каби субъектив омиллар инқирозни келтириб чиқарган асосий сабаблар эди. Тарихдан сабоқ олиш, тегишли хулоса чиқариш учун булар ёшлар, аҳоли онига етказилиши керак. Биз кўпроқ аввалги уйғониш давриларимизнинг ютуқларини фахр билан эътироф этиб, негадир уларнинг инқирози сабаблари ҳақида гапиришни унчалик хушламаймиз.

Биринчи ва иккинчи ренессансларнинг тарихий шароити ва даври талаблари, имкониятларини ҳаққоний баҳолаб, Янги Ренессанснинг тарихий шароитлари ва талаблари мутлақо ўзгача эканини асослаш, далиллаш мақсадга мувофиқ.

Учинчи Ренессанс тўртинчи саноат инқилоби билан мувозий, бир вақтда кечади. Шу сабабдан у, аввало, технологик инқилобни, юксак ривожланган рақамли смарт (ақлли) иқтисодиётни тақозо қилади. Ўз навбатида, рақамли, смарт иқтисодиётга ўтиш учун ишлаб чиқаришни босқичма-босқич модернизация қилиш, автоматлаштириш, роботлаштириш талаб этилади. Мазкур жараён Ўзбекистонда қандай босқичларда амалга оширилиши, унинг моддий-молиявий, инсоний, илмий ва илмий-технологик таъминоти буйича истиқболли аниқ комплекс дастурлар янги Ренессанс ғояси билан мафкуравий жиҳатдан боғланиши шарт. Илмий, илмий-технологик таъминот тақозосидан келиб чиқиб, таълим-тарбия

Мазкур ғоянинг сафарбарлик таъсири конкрет ва кучли бўлади. Аммо мўлжаллар ҳавойи бўлмаслиги, конкрет рақамлардан ташкил топмаслиги керак. Янги АКТ, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, сунъий интеллект яратиш ва шу каби йўналишлардаги вазифалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур.

2020 йил 9 сентябрь, 172-сон



хусусиятларимизни, маънавиятимизни сақлаб қолишимиз шарт. Бу эса таълим-тарбия тизимида жиддий эътибор қаратишни билдиради.

Инсон — Янги Ренессанс ижодкоридир

Ҳар бир жамият ўзига зарур шахсни тарбиялайди. Унга ўз тараққиёт даражаси ва тенденцияларидан келиб чиқиб, ахлоқий, эътиқодий, касбий-профессионал, ҳуқуқий ва бошқа қатор талаблар қўяди. Жамият тараққиётининг пировард мақсади ҳам инсон, унинг фаровон, эркин ва ҳавфсиз турмуш кечиришидир. Жамият талабига тўлиқ жавоб берадиган киши турли даврларда ҳар хил аталган. Юсуф Хос Ҳожиб уни “туғал эр”, Форобий “фозил киши”, тасаввуф намоёндалари “комил инсон” деб атаганлар. “Ҳар томонлама ривожланган шахс”, “уйғун ривожланган шахс” атамалари ҳам қўлланилган.

Мустақилликдан кейин биз шахсга нисбатан “комил инсон”, ёш авлодга нисбатан “баркамол авлод” атамаларини қўллаб бошладик. Гап атамада эмас. Қандай сифатни қўлламайлик, келажак инсонини тарбиялашда

биз, аввало, жамият тараққиёт тенденцияларини ва аниқ пайтда миллий маънавиятимиз хусусиятларини ҳисобга олмоғимиз лозим. Бинобарин, сунъий интеллект ва юксак технологияларга таянмаган “тўртинчи саноат инқилоби” инсонга қўядиган талабларини олдиндан моделлаштиришимиз ва таълим-тарбия тизимини уларга мослаштириши керак.

Худди шундай миллий идентлигимизни сақлаб қолиш учун она тилимизни, тарихимизни, адабиётимиз ва санъатимизни етарлича ўргатишнинг оптимал йўллариини топтоғимиз лозим. Урф-одатларимиз ҳам такомиллаштирилиши ва замонавийлаштирилиши жуда зарур. Ижтимоий онда, одамларнинг хатти-ҳаракатларида бурилиш юз бериши, янги идеаллар ва қадриятлар қарор топтоғи даркор.

Учинчи Ренессанс ғоясини ўқитиш ва кенг жамоатчилик онига етказишда низоҳатда эҳтиёткор бўлиш, меъёрдан ошириб юбормаслик талаб этилади. Мафкуравий ишларда совет давридан қолган бир иллат бор: ҳар қандай ғоя тарғиботини кампаниябозликка айлантиради.

Билганин ҳам, билмаганин ҳам эртаю кеч тинимсиз гапиртиради, одамларнинг меъдасига тегиб қолганини сезмаймиз. Ғоянинг мазмунини аста-секин жўнлаштирамиз, баъзи жиҳатларини эса беихтиёр сохталаштириб қўямиз.

Диалектика қонунига биноан, меъёр бўзилса, ҳар қандай жараён ўзининг инкорига айланади. Оддий тилда бу “қош қўяман деб, кўз чиқариш” дейилади. 2000 йилда зълон қилинган миллий ғоя ана шундай муносабатга учради. Шошиб, уни таълимнинг барча бўғинларига жорий қилдик, лекин ғоянинг илмий тадқиқотига ва асосланишига деярли эътибор бермадик. Ислохотларнинг аниқ вазифалари ва соҳаларнинг хусусиятлари билан боғлаб, жонли мазмун бағишлаш ҳаёлимизга келмади. Натижада у мафкурабозлик домига тушиб қолди.

Учинчи Ренессанс ғоясининг оралиқ босқич вазифалари аниқланиши керак. Масалан, 2030 йилда, 2040-2050 йилларда биз аҳоли жон бошига тахминан қанча япчи ички маҳсулот ишлаб чиқарамиз, жаҳон рейтингда тахминан қандай ўринларга кўтариламиз. Таълим, маданият, илм-фан соҳаларида қандай кўрсаткичларни, марраларни заёт этамиз. Улар бўйича мўлжаллар белгиланиши лозим. Шунда мазкур ғоянинг сафарбарлик таъсири конкрет ва кучли бўлади. Аммо мўлжаллар ҳавойи бўлмаслиги, конкрет рақамлардан ташкил топмаслиги керак. Янги АКТ, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, сунъий интеллект яратиш ва шу каби йўналишлардаги вазифалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Ҳар қандай буюк режалар, буюк ғоялар инсон эҳтиёжлари, турмуши яхшиланиши, эркинлиги ортishi ва маънавий камолоти билан бевосита боғлансагина, ҳаётийлик ва реаллик касб этади. Акс ҳолда, у ҳавойи оруз-ҳавасилича қолиб кетади.

Президентимизнинг таъриқ нутқида асосий йўналишлар ва вазифалар белгилаб берилди. Энди ҳаммамиз, бутун жамиятимиз, уларни амалга оширишга киришмоғимиз лозим.

“Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 9 сентябрь, № 180 (7692)сон.

9 сентябрь — Тожикистон Республикаси Мустақиллиги куни

ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК ТУЙҒУСИ БАРДАВОМ

► Бошланиши 1-бетада

Ушбу ҳужжатлар бугунги кунда ҳаётга тўла татбиқ этилмоқда, уларнинг натижалари халқларимиз ҳаётида яққол кўзга ташланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ҳаво ва темир йўл қатновлари тикланди, виза тартиби бекор қилинди.

Чегаралар очилди, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракати учун қулай имкониятлар яратилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда тожикистонлик талабалар, Тожикистонда ўзбекистонлик талабалар таҳсил олмоқда.

Гарчи ҳозир пандемия давом этаётган бўлса-да, мамлакатларимиз муносабатларида одамни қувонтирадиган, гурулантирадиган воқеалар тўхтаб қолгани йўқ. Пандемия бошланган илк кунлардан бошлаб Ўзбекистондан ён қўшни — жон қўшни Тожикистонга инсонпарварлик юклари ортилган поезд ва самолётларда халқимизнинг дўстлик саломи ва кўмаги билан бирга ўзбекистонлик шифокорлар ҳам етиб борди.

Уз навбатида, Тожикистон Ўзбекистонни пандемия даврида энг кўп инсонпарварлик юклари жўнатган мамлакатлар учлигидан ўрин олганини эътироф этди.

ЎЗА

Бугуннинг гапи

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция лойиҳалари кўпаймоқда

Ҳосил КАРИМОВ, журналист

Экспертлар таъбири билан айтганда, инвестиция иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч. Шу боис, мамлакатимизда инвесторларга қулай муҳит яратиш, ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш бугунги куннинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.



— Ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий сармоялар киритилиши туманлар истиқболи ва инвестиция жозибadorлигини оширишда муҳим омили саналади. Бунинг натижасида иқтисодиёт ва унга турдош тармоқлар ривож ҳам аста-секин ўзгариб, яхшиланиб боради, — дейди Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Жамшид Абдусаломов. — Жумладан, вилоятимизда ҳам жорий йилда 56 та лойиҳа ҳисобига 309,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиши белгиланган.

Амалга оширилган ишлар таҳлили кўрсаткичлар анча юқори эканидан далолат беради. Хусусан, жорий йилнинг ярми учун белгиланган 103,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi режа прогнози 187,6 миллион доллар ёки 181,2 фоизга бажарилди. Хусусан, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига 160 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг учинчи чорагига 171,9 миллион АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган. Вилоятга жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушининг 44,6 фоизи Хитой, 9 фоизи Германия, 8,5 фоизи Россия, 6 фоизи Буюк Британия, Эрон, Туркия инвесторлари ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозиргача хорижий инвестициялар иш-тирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида Хитойдан 166 нафар, Туркиядан 11 нафар, Россиядан 35 нафар, жами 300 нафардан зиёд хорижий мутахассис иш-тирокида 36 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишларининг режага мувофиқ якунланишига эришилди. Лойиҳалар асосида 200 та иш ўрни яратилди.

Юқори Чирчиқ туманидаги “Евро Глобал Инвест” қўшма корхонаси Швейцария инвестицияси ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 30,3 миллион еврога тенг бўлиб, унда бугунги кунда қурилиш соҳаси учун зарур бўлган йиғма

Бу шахсан Президентимизнинг, халқимизнинг Тожикистон халқига юксак ҳурмат-эҳтиромидан далолатдир.

Шу йил 1 май куни Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омборида юз берган техноген офат туфайли минглаб аҳоли уй-жойидан кўчирилди. Ўзбек биродарлари бошига тушган фалокатни кўриб, Тожикистон раҳбари Эмомалӣ Раҳмоннинг топшириғига биноан Сирдарё вилоятига 51 вагон қурилиш материаллари ёрдам сифатида етказиб берилди...

Бу эзгу қадамлар, хайрли ташаббуслар, энг аввало, халқларимизнинг бағрикенглиги ва олижаноблигини, қийин дамда бир-бирини қадрлаши, биродарлик туйғусини намоён этди.

Марказий Осиёда ижобий ўзгаришлар шамоли эсмоқда. Ана шу ўзгаришлар эликинда минтақамиз давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси, дўстона маслаҳат учрашувлари, мулоқотлари халқларимиз фаровонлигига, мамлакатларимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда.

Таҳлил

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ

замонавий ва барча учун бирдек хизмат кўрсатадиган маскан

Гулсум ШОДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Мабодо бировни ёки ниманидир кутсанг, вақт ўтиши шунчалик қийин бўладики, ҳар дақиқаси йилдек туюлади кишига. Давлат хизматлари агентлиги фаолияти хусусида сўз кетса, мижозлар, энг аввало, вақтдан ютгани хусусида сўзлашади. Албатта, илгари ҳудди шу иш учун тўрт-беш идора эшигида саргайгани, турли ташкилотлардан маълумотномалар йиққани эсига тушиб, у замонлар ортда қолаётганига шукрона келтиради.

Аслида мазкур хизмат фаолияти билан эндиликда фуқаронинг нафақат вақти тежалди, балки турли сарсон-саргардонликлар, тамағирлик ва бошқа бир қатор нохушликларга ҳам чек қўйилди. “Енг ичида иш битириш”-ларга барҳам берилмоқда. Одамлар давлат уларга хизмат қилиши лозимлигини чинакам ҳис эта бошладди.

Айни пайтда марказлар томонидан аҳолига 130 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Буни қуйида Навоий ва Тошкент вилоятлари мисолида таҳлил қилиб кўрамыз.

Одамлар кутган хизмат

— Навоий вилоятида бу тизимни бошқараётганим сабабли соҳа билан боғлиқ жамоатчилик фикри доимо эътиборимни тартади, — дейди ДХА Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи Баҳодир Тошев. — Одамлар гурунгида бир суҳбатни такрор ва такрор эшитялман. “Ҳаммининг югур-югур, қоғоз ишларини бир ерга жамлаб бошлашибди, юрардик бир ҳужжат учун мингта эшикка бош суқиб...”, “Битта гувоҳнома тайёрлаш учун ўзим икки ой чопганман, ҳозир 15 дақиқада давлат хизматларида ишинг битиди”, “Маълумотнома керакми, ҳеч қаерга овора бўлиб юрма, тўғри Давлат хизматлари марказига бор, ишинг ҳам тез битиди, ортиқча пул ҳам тўламайсан”, “Барака топгулрлар, ўтган йили неварам шу марказдан ҳужжат топширганди, ўқишга кириб кетди, бюджетга”, “Дори-хонам бор эди, лицензия олиш учун анча “терласам” керак деб ўйлагандим, йўқ, марказда ходим қайси кунга айтган бўлса, шу кунда рухсатнома чиқди, тизимга гап йўқ”, “Янги иморатиям дарди кўп бўларди, яқинда туманда очилган марказга битта ариза ташлагандим, 5 кундан сўнг газ билан электр тармоқларидан одамлар келиб, ҳисоблагич ўрнатиб кетди. Бўларкан-у, битта ариза билан ишни битирса...” ва ҳоказо. Тўғриси, халққа манзур хизмат одамлар эътироф этилаётганидан қувонаман ҳам. Уларнинг самимий суҳбатидан тизимнинг айни вақтида иш бошлаганига амин бўласиз.

Шаффоф тизим

Жумладан, оммавий ахборот воситалари учун ҳам. Шу боис, жамоатчилик учун номаълум бўлган айрим



хуқуқбузарликлар ҳақида гапириш ўринли.

Давлат хизматлари марказлари турли ташкилот ва идораларнинг электрон базаларига интеграция қилинган ҳолда ишлайди. Бунда аҳоли ва тадбиркорларнинг муносабатлари-га қонунларда белгиланган маъмурий регламентлар асосида хизмат кўрсатилади. Айрим ташкилот ва идораларга тушаётган муносабатларни кўриб чиқиш ҳолатларида қондабузарликлар содир этилгани туфайли аҳолидан шикоятлар тушиши бор гап. — Хусусан, 2019 йил давомида жами 73 та ташкилотда ўрганиш ўтказилиб, 2653 та қонун бузилиши ҳолати аниқланди, — дейди Баҳодир Тошев. — Уларни бартараф этиш юзасидан ваколатли идораларга жами 52 та тақдимнома киритилди. Таъсир чораси натижасида ваколатли идораларнинг 32 нафар ходимиға нисбатан интизомий жазо чоралари (шундан 7 нафари билан меҳнат шартномаси бекор қилинган) қўлланилди. Шунингдек, бошқарма томонидан маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги 124 та баённома расмийлаштирилиб, 124 нафар масъул ходим маъмурий жавобгарликка тортилди.

2020 йилнинг ўтган даврида бошқарма хизматлари туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказларидан юборилган махсус хабарлар натижасига кўра, ваколатли идоралар томонидан 323 та қонунбузарлик содир этилганини аниқлади. Мазкур ҳолатлар бўйича бу идораларга 26 та тақдимнома, 173 та огоҳнома киритилди ҳамда 53 нафар айбдор шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди. Натижада ваколатли органларнинг 37 нафар ходимиға нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди ҳамда 1 нафар айбдор шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Шу ўринда фаолиятимиз билан боғлиқ бир воқеани эслаб ўтмоқчиман. Бир танишимиз Жанубий Кореяда ишлайди, яқинда Ўзбекистонга келди. Давлат хизматлари марказлари биноларининг очилишига оид хабарларни ижтимоий тармоқлардан кўриб, роса қувонганини айтди. Жанубий Кореяда бу тизим жуда зўр ишлайди, бизда қандай ишларкан, деб марказларимиздан бирига кирган экан. Марказда одамлар учун яратилган имконият ва қулайликлардан ҳайратга тушганини яширмади. Боиси, марказда тизим учун яратилган имиж, яъни ходимларнинг кийим-бошидан тортиб, муомала маданиятигача ўзгарганини кўриб лол қолибди. Электрон навбат ва соҳа янгиликларини етказиб турувчи

мониторлар ҳар бир фуқаронинг диққатини тортишини айтди. Болалар майдончаси, тиббиёт хонаси, кафетерийлар ишлаб тургани оддий халқнинг ҳам мана шундай имкониятлардан текинга фойдаланишга имконияти борлигини билдиради.

Таъкидлаш лозимки, Давлат хизматлари марказлари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, хорижий андозалар асосида жиҳозланган, замонавий ва барча шароитлар мавжуд биноларда фаолият юритмоқда. Жумладан, 2019 йилда вилоятнинг 6 та туманида Давлат хизматлари марказлари янги биноларда иш бошлади. 2020 йилда Зарафшон шаҳри, Томди, Қизилтепа, Кармана туманларида марказларнинг янги бинолари ишга тушади. Умуман, ҳар бир марказни замонавий дизайн ва креатив ёндашувлар асосида қуриб, халққа тақдим этишга одатланганимиз. Давлат хизматлари агентлигининг келажакни Европадаги 300 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатадиган марказлар мисолида кўргим келарди. Давлат хизматлари марказлари фаолияти ўтган уч йилда тобора кенгайиб, фуқароларга 130 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатаётгани ишимиз тобора олға силжиётганига далилдир.

Жамоатчилик назорати

Давлат хизматлари марказларида тезкор, қулай ва шаффоф тизимни яратишга қаратилган барча шароит вақтни тежаш, турли овозгарчилик ва ҳаражатларнинг олдини олиш имконини берапти. Айниқса, пандемия дунё аҳолисини синовдан ўтказиб турган бир пайтда мамлакатимизда ҳам бу борада зарур чора-тадбирлар қўрилиб, вужудга келган ва келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос йўллари ишлаб чиқилди. Масалан, яратилган қулайликлар туфайли фуқаролар кўплав давлат хизматларидан фойдаланиш учун масофадан туриб муносабат қилишга одатланилди.

— 22 та марказимиз томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ой давомида жисмоний ва юридик шахсларга 335719 та давлат хизмати кўрсатилган, — дейди ДХА Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиев. — Шундан 2,5 мингдан ортиғи чекка ва олис ҳудудларга борган ҳолда, имкониятни чекланган, ёлғиз ва кекса фуқароларга сайёр тартибда ташкил этилди. Шунингдек, марказларимиз томонидан аҳоли ўртасида давлат хизматларидан анъанавий усулларда эмас, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон тарзда фойдаланиш бўйича тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Бу, айниқса, бугунги синови кунларда жуда муҳим.

Ўзи ва яқинларининг саломатлигини хатарга қўймайди. Қолаверса, мазкур портал орқали муносабат қилган шахсларга марказга бориб тўланадиган тўловга нисбатан камроқ тўлаш имконияти, яъни имтиёз бериш орқали қулайликлар яратилганлиги, бундай қулайликлардан самарали фойдаланганда фуқароларимизнинг вақти ҳам, маблағи ҳам тежалиши тушунтирилмоқда.

Шунингдек, Давлат хизматлари марказлари инфратузилмасини тақомиллаштириш, фуқароларнинг

оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, қулайлик яратиш ва шаффофлиқни таъминлаш мақсадида Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Паркент, Бўстонлик, Чиноз, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ туманлари ва Ангрен, Нурафшон ҳамда Янгийўл шаҳри Давлат хизматлари марказла-

рининг инновацион биноларини йил якунигача фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бу эса аҳоли учун хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини янада оширади.

Бундан ташқари, бугунги кунда муносабат қилувчиларнинг ишларини осон, тез ва қулай ҳал этишда инсон омилни имкон қадар камайтириш тақозо этилмоқда. Бунинг учун идоралараро электрон тизимда интеграция ишларини тезроқ якунлаш талаб қилади. Бироқ ушбу жараёнларни йўлга қўйишда айрим ташкилот му-тасаддиларининг сустрекчилиги йўл қўётгани фаолиятимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатишда айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани аниқланиб, улар юзасидан тегишли таъсир чоралари ҳам қўлланилмоқда.

Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида ваколатли органлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида 7177 та қонунбузарлик аниқланди. Буларнинг 6800 тасида мuddат бузилган бўлса, 123 тасида муносабатлар асосиз рад этилган. Шунингдек, 43 та ҳолатда ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган, 34 та ҳолатда эса тўғридан-тўғри хизмат кўрсатилгани боис, масъул шахсларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилган. Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан ваколатли идораларга 109 та огоҳнома, 25 та тақдимнома киритилиши натижасида 27 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 1 нафари эггаллаб турган лавозимидан озод этилди. 153 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Таъкидлаш лозимки, кучли фуқаролик жамияти қуришининг муҳим шартларидан бири жамоатчилик назоратининг мавжудлигидир. Шу мақсадда давлат хизматлари соҳасида ҳам самарали ва сифатли хизматлар кўрсатиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишга, уларнинг функцияларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 6 ойида жисмоний ва юридик шахслардан жами 857 та муносабат келиб тушган бўлса, шулардан 807 таси кўриб чиқилди. Бошқармага бевосита келиб тушган муносабатларнинг 277 таси қаноатлантирилди, 526 тасига тушунтиришлар берилди ва 18 таси тегишлилиги бўйича ташкилотларга юборилди, 21 таси эса ўрганиш жараёнида.

Муносабатлар соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, уларнинг аксарият қисми фарзандларини мактабгача таълим муассасасига жойлаш, ка-дастр масаласи, ҳисоблагичларни қиёсповдан ўтказишдаги камчиликларга оидлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат хизматлари турли идора ва фуқаролар ўртасидаги ўзига хос кўприк. Кўприкнинг фаолияти эса ҳар доим қатъий тартибни талаб этади. Унга амал қилмаслик наинки ҳаракатдагилар, балки кўприкка нисбатан ҳам эътирозларни келтириб чиқариши табиий. Бошқача айтганда, марказларда амалга оширилаётган ишларнинг барчаси жамиятда маънавий муҳит соғломлигининг кўзгуси. Соғлом муҳит эса тараққиёт гаровидир.

Жараён

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ — РИВОЖЛАНИШ ДРАЙВЕРЛАРИ



Худойберди КАРИМОВ

Яқингинада нишонланган катта тантана — мустақиллигимизнинг 29 йиллик байрами шукухи юртимизда ҳамон кезиб юрибди. Бундан 30 йил бурун кимнинг хаёлига Ўзбекистон Ер юзининг юзлаб давлатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда тенгма-тенг ва тўғридан-тўғри мулоқот қилади, деган фикр келибди?

Ота-боболаримиз тушига ҳам кирмаган етти иқлимнинг ноёб техникаю технологиялари, антиқа товар ва ноз-неъматларини пойтахтдан тортиб, энг чекка қишлоқларда ҳам кўриш мумкинлигини ким ўйлабди? “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ерлиги босилган турфа маҳсулотларни Ғарб ва Шарқ мамлакатлари бозорларида кўриш ҳақида-ку, айтмаса ҳам бўлаверарди.

Бу гаплар мустақиллик йилларида туғилиб, вояга етаётган ёшларга муболағадек туюлиши мумкин. Лекин ўрта ва катта ёшдаги ҳамюртларимиз тасдиқлаши аниқ: озодлик ўзбек халқи учун чинакам бебаҳо туҳфа, қўшиқларда айтилганидек, “бахт қасрига очилган эшик” бўлгани шубҳасиз.

Президентимиз раислигида шу йилнинг 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. “Одамларнинг меҳнат қилиб, бой бўлиши ва яхши ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратишимиз зарур”, деганди ўшанда Шавкат Мирзиёев. Давлатимиз раҳбари бунинг учун тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтганди.

Президентимизнинг ана шу топшириғи ижросини таъминлаш борасида Жиззах вилоятида ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширил-



моқда. Жумладан, бугунги кунда вилоят маркази ва 11 та туманда кичик саноат зоналарини ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу КСЗлар учун ҳаммаси бўлиб 106 гектар ер ажратилган. Айни пайтгача салкам 37 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда 208 миллиард 800 миллион сўмлик 38 та лойиҳа амалга оширилиб, 570 нафар фуқаро доимий ишли бўлди. Умумий майдони 24,5 гектарни эгаллайдиган бошқа ҳудудларда эса 561 миллиард сўмлик 30 га яқин лойиҳанинг бугун-эрта иш бошлаши, 1100 кишининг иш билан таъминланиши кутилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, мазкур кичик саноат зоналарида халқ ҳўжалигининг кўплаб соҳалари учун биринчи галда зарур бўладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилляпти. Бу эса маҳаллий истеъмолчиларнинг

жуда кўп маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи тўлароқ қондирилиши, бозорларнинг серфайи ва тўкин бўлишига замин бўлаётди.

— Бу борада Мирзачўл туманида амалга ошаётган ишлар таҳсинга лойиқ, — дейди вилоят кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекция раҳбари Олтинбек Акбаров. — Ҳудудда қисқа муддат ичида 10 га яқин корхона фаолият бошлади. Уларда ип-калава, мато ва трикотаж маҳсулотлари, олтингургут, пластмасса буюмлари, профнастил, шифер, лак-бўёқ каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ушбу жамоаларда шу йилнинг ўзида 280 нафардан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминлангани эса кишини мамнун қиладиган яна бир ижобий хабардир.

Бугунги кунда вилоят маркази ва **11** та туманда кичик саноат зоналарини ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу КСЗлар учун ҳаммаси бўлиб **106** гектар ер ажратилган. Айни пайтгача салкам **37** гектар майдонни эгаллаган ҳудудда **208** миллиард **800** миллион сўмлик **38** та лойиҳа амалга оширилиб, **570** нафар фуқаро доимий ишли бўлди. Умумий майдони **24,5** гектарни эгаллайдиган бошқа ҳудудларда эса **561** миллиард сўмлик **30** га яқин лойиҳанинг бугун-эрта иш бошлаши, **1100** кишининг иш билан таъминланиши кутилмоқда.



Мазкур дирекциядан олинган маълумотларга кўра, Зомин туманидаги “Даштобод” кичик саноат зонаси ҳақида ҳам шундай фикрларни



билдириш мумкин. Ушбу ҳудудда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлганлар учун 40 гектардан ортиқ ер майдони ажратилган. “Гранд Мароқанд” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган ун ва ун маҳсулотлари аллақачон ўз харидорларини топиб улгурган. Шу корхонада бугун-эрта дуқакли экинлар ҳосилини қуриштиб, қадоқлаш ва экспорт қилиш ишлари бошлаб юборилди. Яна бир жамоа — “Зомин милк фуд” МЧЖ эса қуруқ сут, йогурт, музқаймоқ ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Даштобод шаҳрида бундан ташқари, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари, мебель, замонавий эшик-ромлар, қурилиш ашёлари тайёрлайдиган корхоналар ҳам фаолият бошлаган ёки тез орада иш бошлайди.

Кичик саноат зоналарини ташкил қилиш борасидаги ишларга туманларнинг ихтисослашуви ҳам ўзининг сезиларли ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, Бахмал туманида ташкил топган КСЗдаги 6 та корхонанинг бештаси маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, богдорчилик ва чорвачилик соҳасида фаолият юритмоқда. Уларнинг 3 таси мева-сабзавот, биттаси сутни қайта ишлашга, яна биттаси эса доривор ўсимликларни териш, қуриштиш ва қадоқлашга ихтисослашган.

Дўстлик Жиззах вилоятининг саноати нисбатан ривожланган туманларидан бири. Шунинг учун ҳам ушбу ҳудудда ташкил топган КСЗдаги тадбиркорлик субъектлари кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Бу ерда фаолият бошлаётган 4 та жамоанинг бири ўсимлик ёғи, иккинчиси автомобиль тормоз коллодалари ва бошқа эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни гарданига олган. Яна бирида пропилен қоп, бошқасида темир-бетон буюмлари тайёрланиб, харидорларга етказилаётди.

Албатта, кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил қилиш борасида Жиззах шаҳрида амалга оширилаётган ишлар, режалаштирилаётган лойиҳалар ўзининг қамрови ва кўлами билан ажралиб туради. Бугунгача 15 дан ортиқ тадбиркор “Жиззах” кичик саноат зонасида ўз фаолиятини бошлаш учун рўйхатдан ўтган. Уларнинг айримлари, жумладан, “Кейс Люкс” МЧЖ ва “Ҳақиқат Отабек” кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси

анчадан буён ўз ҳамкорларига шартнома асосида профнастил, темир-бетон жиҳозлари, безакли ойна етказиб бермоқда. “Махсус таъминот консерва” МЧЖда мева-сабзавотларни консервалаш, “Халқобод дизайн металл” МЧЖда трикотаж буюмлар тикиш, “Искандарнинг орзулари” корхонасида эса хориждан полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиялари келтирилиб, цехларга ўрнатилмоқда.

— Вилоятимиздаги кичик саноат зоналарининг биринчи галдаги вазифаси маҳаллий бозорни истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшишдан иборат, — дейди кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича вилоят ягона дирекциясининг инвесторлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Бобир Мадиев. — Шунинг учун ҳам уларнинг сармоядорлари, асосан, маҳаллий тадбиркорлар бўлмоқда. Биз вилоятимизнинг имконияти ва салоҳиятини ҳисоба олган ҳолда, КСЗларга хорижий инвесторларни ҳам жалб қилиш устида иш олиб борапмиз. Бу борадаги саяё-ҳаракатларимиз ўзининг самарасини бермоқда. Масалан, Арнасай кичик саноат зонасида фаолият юритаётган балиқ ва балиқ маҳсулотлари ҳамда шу соҳа учун махсус озуқа ишлаб чиқаришга ихтисослашган “МТТ Си Фуд” корхонасига вьетнамлик тадбиркор 2,5 миллион доллар сармоя киритди. Ғаллаоролдаги кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқаришга мослашган корхона ҳам Эрон вакиллари билан музокара ўтказмоқда.

Мавжуд кичик саноат зоналари, улар таркибидаги корхоналар ва тадбиркорлар эришаётган натижалар, энг асосийси, бу соҳага катта эътибор қаратилиб, кўллаб-қувватлаётгани Жиззах вилоятида КСЗлар қамровининг янада кенгайишига сабаб бўлмоқда. Яқин кунлар ичида Пахтакор ва Фориш туманларида ҳам кичик саноат зоналари пайдо бўлади. Бошқа ҳудудлар эса бу борадаги саяё-ҳаракатларини янада жонлантириш ниятида. Вилоят бўйича яна камиди 41 гектар майдонда шундай кичик саноат зоналари ташкил этишга қарор қилингани ҳам буни тасдиқлайди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, яқин йилларда кичик саноат зоналари вилоят иқтисоди ривожига муҳим ўрин тутати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди

Фармонга кўра, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг қуйдаги вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ўтказилди:

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси негизида Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилди ва унинг вазифалари белгиланди.

қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш;

қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш;

қишлоқ ҳўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш;

тупроқ бонитировкасини ўтказиш;

қишлоқ ҳўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш;

тупроқ унумдорлигини ошириш;

тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш.

Жумладан, Агентлик кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритади.

2020 йил 1 октябрдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

2021 йил 1 январдан бошлаб ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига киритилади.

Онлайн геопортал Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинади.

Ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтери фақат Миллий геоахборот тизимида юритилади.

Олий таълим

Президентимизнинг жорий йил 21 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳада янги тарихий даврни бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди.

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ИЗДОШЛАРИ

юртимиз номини улуғлайди



Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори, тарих фанлари номзоди, доцент

Қарорга мувофиқ биз буюк тарихий шахс, ўзбек миниатюра санъатининг асосчиси Камолиддин Беҳзод ҳақида ҳужжатли фильм яратиш, мусаввир ҳайкалини янги шаклда бунёд этиш, халқаро илмий конференциялар ўтказиш каби бир қанча вазифаларни ижро этишни режалаштирганимиз. Шунингдек, бу орқали халқимиз, айниқса, ёш авлодга Камолиддин Беҳзод, унинг ижодий мероси, умуман, юртимиз тарихи ҳақида маълумот берамиз. Бу эса, ўз навбатида, ёшларимизни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашимизда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун Камолиддин Беҳзод номидаги давлат стипендияси таъсис этилади. Бу эса талаба-ёшларнинг ижодий интилишларини, янгилик яратишга бўлган саяёҳ-ҳаракатларини рағбатлантириб, уларнинг етуқ кадрларга айланишида муҳим омил бўлади.

Бадий таълим йўналишларидаги педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш маркази ҳамда Рассомлар таъриба устaxonаси (олий рассомлик курси) ташкил этилиб, уларнинг вазифалари белгиланб берилди. Бу билан бадий таълим соҳасида етуқ мутахассис кадрлар салмоғи ҳамда таълим сифатининг ошишига эришилди.

Ўзбек тасвирий санъати жаҳонда ўз ўрнига эгалигини буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод ижодининг бугунги кунда дунё санъат аҳлининг диққат марказида эканидан билиш мумкин.

Кейинчалик Ғарб ва Шарқ аъналарини ўзида уйғунлаштирган ўзбек рассомлик мактабида бир қатор атоқли номлар пайдо бўлди. 1997 йилда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ташкил этилди.

Институтуда устозлар аъналарини давом эттираётган Бадий академия академиклари, таниқли олимлар, санъатшунослар ва бошқа мутахассислар бадий таълим ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар яратган нодир асарлар нафақат юртимизда, балки хориждаги нуфузли кўргазма залларида намоиш этилиб, шахсий коллекциялар ва галереяларда сақланмоқда.

Пойтахтимизнинг Олмаздор туманида бунёд этилган Ғалаба боғида ҳам бевоcита институтиимиз профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари томонидан яратилган кўллаб асарларга гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, ушбу боғда ёш ўқитувчилар Игитали Турсунов ҳамда Ўткир Асқоровнинг “Муסיқачи аскарлар”, “Оғураётган болалар”, “Концлагер” номли композициялари, “Фронт орти”, “Уч-рашув”, “Кузатиш”, “Уруш” каби барельефлари ҳамда 2019-2020 ўқув йилида ҳайкалтарошлик мутахассислиги бўйича магистратура босқичини тамомлаган Баҳром Норбоевнинг “Зуффия Зокирова ва унинг тўрт келини” каби асарлари ўрин олган. Ушбу ижодкорларнинг ёш авлод вакили экани институтуда устоз-шогирд аъналарининг самарали давом эттирилаётганидан далолатдир.

Танловлар иқтидорларни саралайди

Карантин даврида ёш иқтидорли талабаларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг истеъдодини намоён

қилиш, мамлакатимиздаги ислохотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотишга йўналтирилган “Беш ташаббус — беш имконият”, “Мустаҳкам оила — юрт таянчи” ҳамда “Энг фаол санъатшунос”, “Уйда қол, ижод қил” онлайн кўрик-танловлари ташкил этилди. Мазкур танловлар ғолиблари 30 июнь — Ёшлар кунида муносиб тақдирланди.

Республика ва халқаро кўрик-танловларнинг Мадина Норчаева, Ойгул Тожидинова, Беҳзод Жўрабоев, Нодира Миржонова, Бахтиёр Дедашев, Турсунмурод Мусурмонов, Раъно Яхшиликкова, Дилфуза Нейматова, Сарвиноз Тугалова, Бунёд Зоиржонов, Ҳилола Йўлдошева каби кўллаб ғолиб ва совриндорлари, Зулфия номидаги давлат мукофоти лауреатлари, ноёб иқтидори билан танилаётган талаба ёшларимиз бу каби танловларда янада тобланмоқда.

Халқаро ҳамкорлик алоқалари

Институтиимизда қатор нуфузли чет эл олий таълим муассасалари билан қирққа яқин меморандум имзоланган. Халқаро ҳамкорликлар доирасида 70 нафар профессор-ўқитувчимиз ва 16 нафар талабамиз малака ошириш курслари, семинар-тренинглари, конференцияларда қатнашди. Алмашув дастурларида 2 нафар профессор-ўқитувчи ҳамда 22 нафар талаба иштирок этди.

Шунингдек, Жанубий Кореянинг Кемён университети ҳамда Таиланддаги Чаннапатана дизайн институти билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида дизайн (интерьерни лойиҳалаш ҳамда либос ва газламалар) таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

2019-2020 ўқув йилида АҚШнинг Йель университети, Буюк Британиянинг ChangeScool тадқиқот институти ҳамда Бирмингем Сити университети профессор-ўқитувчилари томонидан бўлажак рассом, санъатшунос ва либос дизайнерлари учун маҳорат дарслари, илмий семинарлар ва дарс машғулотлари ташкил этилди.

Хитойнинг Шанхай санъат ва дизайн академияси, Буюк Британиянинг Бирмингем Сити университети, Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Архитектура ва санъат институти каби бир қатор муассасалар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида делегация алмашинувлари бўлиб ўтди.

Илмий салоҳият — мустаҳкам пойдевор

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби бадий таълимда ҳам соҳа муаммоларини илмий жиҳатдан таҳлил этиш ва ечим топиш келгуси тараққиёт учун муҳим ҳисобланади. Шунининобатта олган ҳолда, институтуда ижодий янгиликлар билан бирга илмий тадқиқотларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда карантин чоралари давом этаётган бир пайтда “Санъатдаги умуминсоний кадриятлар ва аъналар” ҳамда “Глобализация шароитида санъатда умуммиллий ўзига хослик, муаммолари” мавзусида халқаро илмий онлайн конференциялар бўлиб ўтди. Уларда Россия Федерацияси, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Хитой, Малайзия, Болгария, Литва, Беларусь, Арманистон, Молдова, Қозғистон, Таиланд каби давлатлардан соҳа мутахассислари ўз маърузалари билан иштирок этиб, санъат тарихи, бугуни ва эртасига доир фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Шу билан бирга, мазкур конференциялар юртимизнинг ёш тадқиқотчилари учун халқаро таърибани ўрганиш ҳамда дунё санъатида бугунги кунда кечаётган жараёнлардан чуқурроқ хабардор бўлиш имконини тақдим этди.

Институтуда илк бор 2019-2020 ўқув йилида “Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ахборотномаси” илмий-амалий журнали ва “Мусаввир” газетаси нашр этила бошлади.

Назария ва амалиёт уйғунлиги

Ўқув жараёнлари бевосита ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланмас экан, малакали кадрлар тайёрлашда муаммолар юзага келаверади. Шунининобатта олган ҳолда, жорий йил бошида Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳамда Ўзбекистон тарихи давлат музейида музейшунослик кафедрасининг филиаллари ташкил этилди.

Ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон давлат санъат музейида “Экскурсияшунослик”, “Музей интерьерини лойиҳалаш”, “Музей иши асослари”, “Фотография” каби фанлар ва музей экспозицияси ва фонд захирхоналарида амалий машғулотлар, Ўзбекистон тарихи давлат музейида эса “Санъат асарларини физика-химёвий экспертизаси”, “Музей ашёларининг экспертизаси ва реставрацияси” каби фанлар ўтилмоқда. Институт мазкур йўналишда яна бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш борасида иш олиб бормоқда.

Талабалар холислик асосида танланади

Қабул жараёнларини адолатли ва шаффоф ташкил этиш борасида масъул ходимларимиз ўзларига юклатилган вазифаларни бажармоқда. Жумладан, барча имтиҳон жараёнлари видеокузатув камералари ёрдамида ёзиб олинади ҳамда институт расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида онлайн тарзда намоиш этилади. Абитуриентларнинг ишларини баҳолашга комиссия раиси сифатида институтуда фаолият юртаймайдиган шахслар — Ўзбекистон Бадий академияси академиклари, Ўзбекистон халқ рассомлари, Ўзбекистон санъат арбоблари, фан докторлари ва профессорлар жалб этилмоқда. Имтиҳон натижалари шу кўннинг ўзида институт веб-сайтида эълон қилинади.

Пандемия сабабли жорий йилда фақат битта фандан касбий (ижодий) имтиҳон топшириш белгиланди. Ўрни барча ижодий йўналишларда 160 дақиқа вақт давомида композиция, санъатшунослик йўналишида эса тасвирий ва амалий санъат тарихи фандан имтиҳон топширилади. Шунингдек, музейшунослик ва менежмент (арт менежмент ва галерея иши) каби йўналишларда имтиҳонлар тулик тест шаклига ўтказилди. Бу йилги касбий (ижодий) имтиҳонлар ҳудудлар кесимида ҳар кун ўртача 200-2020 нафар абитуриент учун ўтказилиши ва ушбу кириш синовлари 2020 йил 3 сентябрдан 15 сентябргача давом этиши режалаштирилган.

Қабул жараёнларида коррупция, таниб-билишчилик каби жирканч ҳолатлар кузатилмаcлиги учун институт томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда барча зарурий чоралар қўрилган. 2019-2020 ўқув йилида институтуда таҳсил олиш истагида ҳужжат топширган абитуриентлар сони 1526 нафар бўлган бўлса, жорий йилда улар сони 2489 нафарни ташкил этмоқда. Бу йилги абитуриентлар сони ўтган йилгига нисбатан 963 нафарга ёки 38 фоиз ошган.

Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, институтиимиз талабасига айланмажак ҳар бир талабани юртимиз санъати ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшадиган, ҳар томонлама баркамол, Камолиддин Беҳзод ва бошқа буюк мусаввирларга муносиб издош бўла оладиган истеъдод эгаси этиб тарбиялашни мақсад қилганмиз.

Ватан манзаралари

ЭЙ МАРВАРИД ТУТЛАР, НОКЛИ ҲОВЛИЛАР...

ёхуд миришкор деҳқон меҳнатининг эътирофи

Муҳтарама УЛУҒОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мустақиллигимизнинг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини тингларкансан, ундаги: “Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида гап кетганда, “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда... Халқимизнинг улугъвор кудрати жўш урган хозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, аини ҳақиқат бўлади.

Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас... “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган даъваткор ғоя ҳаёти-мизга тобора чуқур кириб бормоқда...” каби асосли эътирофларнинг ҳар биридан қаддиг, қалбнинг улғайиб, юксалиб бораётгандек!

Халқимиз, шунингдек, жаҳоннинг турли қайғияти мақсадда қўз тикиб турган фуқаролари олдида “Дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган хозирги таҳликали вазиятда Ўзбекистонда шаклланган янги тизим ўзини тўла оқламоқда”, деган фикрларнинг исботи сифатида Президентимиз келтирган рақамларни тингларкан, бир ҳолатни эътироф этгим келди. Бу маърузада ҳам барчамизнинг тақдиримизга тааллуқли, шонли байрамга муносиб салобатли рақамларнинг энг муҳимлари қайд этилди.

Кейинги бир-икки йил ичида Президентимиз катта йилларда мамлакат ва халқимиз ҳаётига оид тараққиёт ва янги режалар билан боғлиқ рақамларни қайд этаркан, худди қоронгу, туманли ўрмондан ёруғликка чиққанда қўз қамашган каби бу залворли рақамлар, аниқ натижалар, улкан режалар миқёсини тасаввур этишга фикру шуурим шошиб қолади. Чунки биз ақлимизни танигандан токи яқин-яқингача ҳар йили куз фаслида республика вилоятлари бўйича кунлик пахта топшириш режасининг бажарилиши бўйича эълон қилинадиган маъ-



лумотлардан хабардор бўлардик, холос. Нима, халқимиз шунчалар безъетибор, ўз тақдирига тааллуқли маълумот, ҳисоб-китоблар, режалар ва уларнинг бажарилишини билишга ўта лоқайдми? Йўқ. Катта ва ўрта авлод вакиллари яхши эслайдилар: эрта куздан қишгача — токи мамлакатимиз зиммасига юклатилган “оқ олтин” етказиб бериш режаси бажарилмагунча кексаю ёш пахта топшириш бўйича кундалик маълумотни энг муҳим ҳодиса каби кутарди, тингларди, муҳокама қиларди (демоқчиманки, ўша даврларда бошқа соҳаларга оид маълумотлар ҳам омма муҳокамаси, эътиборига ҳавола этилса, уларнинг мақсаду моҳияти, аҳамияти таҳлилига шундай муносабатда бўлардик, албатта!).

Кейин емирилган мустабид тузум ҳийлаларини англаганим сари мулоҳазага бордимки, ўша йилларда вилоятлар аҳли бир-бирига басма-бас кўпроқ пахта териб топширсин, деган мақсадда шундай қилинган бўлса керак. Чунки режа бажарилгач, миллион-миллион тонна пахтадан келадиган

даромад, маҳсулотлар қанчалиги, улар қандай мақсадларга сарфланиши, йўналтирилиши ҳақида оддий халққа ҳеч нарса айтилмаган. Ҳолбуки, миллатимизнинг ҳаёти, соғлиги, орзу-интилишлари, фарзандларининг келажаги пахта якяхоқимлиги учун гаровга қўйилгандек эди.

Бу йил баҳорда дунёнинг жуда кўп давлатлари иқтисоди қутилмаган пандемия офати туфайли боши берк кўчага дуч келгандек ҳолатга тушганда юртимиз далаю даштларида ҳаяжонли манзараларни кузатдик: минглаб ёшларга, эҳтиёжманд оилаларга фойдаланилмай ётган ерлар бўлиб берилди, у майдонларни экин-тингини тайёрлаб, сув чиқариш, уруғ қадаш харажатлари учун моддий ёрдам кўрсатилди. Юзлаб хонадонларга қуриб битказилган иссиқхоналар берилди. Бу халқпарвар тадбирнинг мукофоти — тукинчилик, мўл-кўлчилик кўз ўнгимизда. Байрам маърузасида айтилганидек: “Чор-вачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда”.

...1960 йилларда ўсмир эдим. Марғилондаги кўчамиздан икки километрча масофада бўлган Шонгузар қишлоғидаги дўппифуруш-ниқига боришни яхши кўрадим. Сабаби — ўша қишлоқдаги бир ҳовлида қари нок дарахти бўларди. Ҳозирги ёшлар бунга ишонини қийин: ўша пайтларда нок ёйишни орзу қилардик; ҳовлиларда ўсган қандар бошқа мева дарахтларига ҳам солиқ тўлангани учун одамлар кўздан панароқ томорқаси бўлса, унинг бурчагига бир-икки туپ ўрикми, шафтолими экарди. 1988 йилда ёзилган “Соғинч” шеъримда ўша йиллар қизгилари бор:

Янги кун — янги бахт,
янги орзулар...
Бошингиз бут бўлсин,
қавмингиз унсин,
Саноқли қолган
эй марварид тутлар.
Доридан ҳосилин
пуч берган ерим —
Ўўза гиж-гиж тўлган
этакка ўхшар.
Бугунги кунларда эртакка ўхшар
Ўўки туморли — тоқли ҳовлилар,
Қайдадир бор бўлса,
ноқли ҳовлилар...

“Миришкор деҳқон ва фермерларимиз бу йилги мураккаб шароитда фидокорона меҳнат қилиб, қалладан олти ярим миллион тоннага яқин ҳосил етиштирдилар...” “Ҳар бир оила — тадбиркор” дасту-

ҳўжалиги ходимлари қурултойига илғор хотин-қизлар ҳақида мақо-ларлар тайёрлаш учун борардим. Тадбир бўлаётган катта саройнинг минбарига чиқиб зални кузатган одам, асосан, қатор-қатор ўрин-диқларда қора костюм ва оқ кўйлак кийиб ўтирган салобатли эркекларни кўрарди. Унда-бунда адашиб қолган қизғалдоқ каби икки-учта, тўртта-бешта аёл иштирокчи кўри-



нардди. Бу манзарани кузатаркан, ҳаёлимдан доим битта гап ўтарди: “Далаларда пахта униб чиққанидан токи пахта териб олингунча бўлган меҳнат жараёнида фақат хотин-қизлар, байрам қилгувчилар эса — эркеклар...”

Деҳқон, чорвадор, боғбон меҳнати муносиб баҳолашиб, кадрланиб, ерни қадрлаган ота-боболаримиз аъналарини ўғлонларимиз, ака-укалар, оталар давом эттираётганлари, бу оғир меҳнатда етакчи бўлаётганлари қанчалар қувончли, қанчалар мардона!

...Қирқ йиллар олдин Фарғонадаги бир учрашувда кекса аёл олдимга бир тугунча ташлаб: “Бу байроқчаю вимпеллар менга бола бўладими, оила бўладими?” деди алам билан. Кейин гапини изоҳлади: “Турмушга чиққанимда, колхозда бригадир эдим. Куёвим бу вази-фани топшириб, оддий азёо бўлиб ишлашимни сўради. Бунини эшит-гач, раис умумий мажлис чақириб, эрмин роса уришди, “феодал” деб танқид қилди. Шундан кейин эрим елкасига тўнини солиб чиқиб кетганича қайтиб келмади. Менга бошқа ҳеч ким уйланиш учун оғиз солмади. Бригадирликдан бўлим бошлиғи даражасига, кейин раис-ликка кўтаришди. Қанча мажлису сьездларда қатнашдим, мана шунга ўхшаган “мусобақа ғолиби” деган ёзувлари бор байроқчалар бериш-ди. Аммо аёлга биринчи ўринда оила, фазандлар керак экан...”

Маърузада ихчам, аниқ-тиниқ айтилган “Оила, оналик ва болалик-ни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, гендер тенглигини таъминлаш борасидаги ишларимиз ҳам изчил давом эттирилмоқда”, деган фикрда она Ватанимиз қизлари, опа-сингилларимиз, оналар ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун амалга оширилаётган, режалаштирилаётган кенг кўламли, салмоқли ишлар муваффақиятга эришилган. Аҳолини уй-joyлар билан таъминлаш, ҳар бир оила тиббиёт масъуллари қарамонига бўлиб, уларнинг соғлигини тиклаши, оилавий дам олишлари учун кўрсатилмаётган ғамхўрликлар, “темир дафтар”га қиритилган эҳтиёжманд оилаларнинг иқтисодий тикланиши, юртимизда камбағалликни камай-тириш борасида шу пайтгача биз тасаввур ҳам этолмаган маблаглар акратилиб, эзгу мақсадга сарфланаётгани, ҳеч шубҳасиз, аввало аёл — оналар учун. Яна таъкидлагим келадикки, бу амалий ишларнинг мав-қе-мартабаси гендер тенглик моҳия-тидан ҳам улуроқ, ҳаётийроқдир.

“Бугунги халқимиз кечаги халқ эмас” — Президентимизнинг ўз жонажон халқи ҳақидаги бу ифти-хорли эътирофи алоҳида жаранг-лаётгандек, қалбларда акс-садо бераётгандек. “Сарбоннинг хайрли одимларига муносиб қадам ташла-моқ тарихда, иншооллоҳ, ҳаммиса эзгу ниятлар рўёбига етаклаган, деган фикр кечди қалбдан.



МУМТОЗ МАҚОМ САНЪАТИ — МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ БЕБАҲО БАДИИЙ ҚОМУСИ

У неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келмоқда



“Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келатган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур”, дея таъкидлаган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Бугунги авлод мумтоз оҳанглари сирини янада теранроқ англаши, тинглаши ва ҳис қилиши учун нимадир қилмоқ лозим? Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Оқилхон ИБРОҲИМОВ билан суҳбатлашар эканмиз, руҳиятимиз осмонларини ёритиб турган эзгу мақсадлар шувласини, юртимиз эртаси, ёруғ кунлари билан боғлиқ орзуларимизни ажиб оҳанглари ҳис қилдик. Ҳа, қон-қонимизга сингиб кетган бу оҳанглар борлиғимиз, ўзлгимиз, тарихимиздан дарак бериб бериш сарҳадлардан ўтиб келаяётганлиги билан қадри ва азийди.

— Мақом санъати тарихи ҳақида гап борар экан, албатта, Ўзбекистон халқ хофиси Юнус Ражабийнинг ҳаёти ва ижодига мурожаат қилиш максадга мувофиқ. Сиз фавқулодда истеъдод соҳиби бўлган буюк санъаткор ҳақида кўплай изланишлар қилгансиз. Юнус Ражабий шахси ва фаолиятининг қайси жиҳатлари бугунги авлод мақомчилари учун ибратли?

— Мумтоз мақомлар ҳақида сўз бораркан, шууримизда, табиийки, бу бебаҳо қадриятнинг бизгача етиб келишида яқин ўтмишдаги мураккаб шарт-шароитларда маънавий жасорат ва жонбозлик кўрсатган устоз санъаткорларнинг сиймоси гавдаланади. Бу ўринда халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ражабийлар сулоласининг ийрик намоёнчаси, атоқли бастакор, хонанда ва созанда, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий (1897-1976) сиймоси алоҳида эҳтиром туйғуларини уйғотади. Зеро, улуг устоз ҳаёти ва ижодий фаолиятида бугунги авлодлар учун кўп ва ҳўп ибратли намуналар бор. Авваламбор, алоҳида истеъдод соҳиби бўлган Юнус Ражабийнинг шогирдлик мақомидagi интилишлари эътиборлидир. Масалан, мақомларни ўрганишдаги дастлабки саъй-ҳаракатлари Фарғона — Тошкент йўллари билан боғлиқ юзага келган экан, бу йўлда ўша даврнинг энг кўзга кўринган устозлари — Мирза Қосим хофиз, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммадов, Шораҳим Шоумаров, Иноғомжон хофиз ва Илҳом хофизларга шогирдлик ахлоқ-одоби доирасида хурмат-эҳтиром кўрсатиб, улардан зарур касбий сабоқ билан бирга, ижобатли дуоларини ҳам олиш бахтига мушарраф бўлади. Айни вақтда доим илмга қанқоқ ва санъатга ихлоси баланд Юнус Ражабий салобатли Бухоро Шашмақом туркумини ҳам мукаммал

амалий ўрганишга астойдил бел боғлайди. Самарқандда атоқли санъаткорлар — Ҳожи Абдулазиз Расулов, Леви Бобохонов, Михоэл Толмасов, Гавриэл Муллақандов билан учрашиб, улардан Шашмақомнинг самарқандча йўллари ўрганади. Шу билан кифояланмай, Шашмақом ватани бўлган Бухорога бориб, у ерда Ота Жалол, Ота Ғиёс, Уста Шоди, Қори Камол, Абдусамид Бегижон, Қори Наҳм, Домла Ҳалим Ибодов каби мақом устозларидан сабоқ олади. Шу аснода мумтоз мақомларнинг Самарқанд — Бухоро ва Тошкент — Фарғона анъаналарини мукаммал эгаллаган Юнус Ражабий хайратомуз ишларни амалга оширишга муяссар бўлган эди.

Бухоро амрлиги қулагач, сарой мумтоз мусиқаси — Шашмақом истиқболли, асрий бадиий анъаналарининг тақдирини мавҳум бўлиб қолган, устига-устак, бу санъат қиймати “маданият пешволари” томонидан “феодал тузумидан қолган зерикарли санъат” каби ибораларда расмий ва норасмий давраларда камситилиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турарди. Бинобарин, мумтоз мақомларни ҳар қандай асоссиз хуружлардан ҳимоя қилиб, янги давр авлодларига бекаму кўст етказиб бериш ўша давр илғор зиёлиларининг қайғусига айланган эди. Миллат қайғуси билан ёнган Юнус Ражабий мумтоз Шашмақомни бекаму кўст сақлаб қолиш ва ундан келгуси авлодларни баҳраманд этиш йўлида жасорат намунасини кўрсатди. У ўзи нота ёзувларига олган Шашмақом мажмуасини дастлаб (1959 йили) “Ўзбек халқ мусиқаси” нота ёзувлари туркумининг бешинчи жилдида “Бухоро мақомлари” номида нашр эттирди. Кейинчалик эса (1966-1975 йиллари) нота ёзувларидаги Шашмақом мажмуаси олти жилдик такомиллашган кўринишда қайта чоп этилди ва ушбу нашрга Фарғона — Тошкент мақом йўллари илова тарзида киритилди. Шунингдек, Юнус Ражабий 1959 йили Ўзбекистон телерадиоси хузурида Мақомчилар ансамблини тузиб, унда салобатли Шашмақом туркуми ва Фарғона — Тошкент мақом йўллари ижрочилиги анъаналарини замон руҳи билан пайваста этган ҳолда амалий йўлга қўйди. Юнус Ражабий ўзининг бой тажрибаси ва юксак касбий малакаларини истеъдодли шогирдларидан дариг тутмади, балки уларнинг камолоти учун хизмат қилиши ўлароқ ижодий ва ижровий меросхўрликнинг устоз-шогирд анъаналарини мураккаб шарт-шароитларда қайта жонлантиришга бекиёс ҳисса қўшди. Устоз Ю.Ражабий силсиласига боғланган Д.Зокиров, Д.Соатқулов, Ф.Содиқов, Н.Ҳасанов, К.Жабборов, С.Калонов, К.Муминово, О.Имомхўжаев, Б.Довидова, К.Исмоилова, О.Алимаҳсумов ва Т.Алиматовлар келгусида элимизнинг ардоқли санъаткорлари бўлиб етишдикилар. Юнус Ражабий ҳаёти ва фаолиятидан

кептирилган бу мухтасар лавҳаларда бугунги кун мақом авлодлари ва мусиқа устозлари учун ҳам кўпдан-кўп ибратлар бор.

— Жорий йилда Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилгани барча санъатсевар қалбларни чуқур хаяжонга солди. Зеро, шу кунгача мақом санъатини ўрганиш ва ўргатиш борасида муаммоларимиз анчагина тўпланиб қолган эди. Шундай эмасми?..

— Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг ташкил этилиши санъатсевар халқимиз ҳаётида катта маданий воқеа бўлди. Бунинг моҳиятини теран англаш учун яқин моҳида яна бир назар ташлаш ўринли кўринади. 1972 йили жонқуяр устозимиз, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Файзулла Кароматов (Кароматли)нинг ташаббуси ва бевосита саъй-ҳаракатлари билан Тошкент давлат консерваториясида Шарқ мусиқаси кафедраси ташкил этилганди. Файзулла Кароматов мудирлик қилган ушбу кафедранинг илк педагоглари қаторида эл севган санъаткорлар Ризқи Ражабий, Фахриддин Содиқов ва атоқли мақомшунос олим Исҳоқ Ражабов устозлик қилган. Қисқа вақт ичида кафедра битирувчилари орасидан таниқли олим ва санъаткорлар етишиб чиқдики, бу ҳол мазкур таълимнинг самарадорлигини кўрсатиши билан бир вақтда халқимизнинг мусиқий мероси нақадар бой эканидан ҳам кучли нишона эди. Табиийки, миллий менталитетимизнинг тўб ўзагини ташкил этган бу бебаҳо маънавий бойликни махсус таълимда бус-бутун ўзлаштириш, ундан ижодкорлик ва ижрочилик жараёнларида теран ва унумли фойдаланган ҳолда халқимизни баҳраманд этиш, шу жумладан, ёш авлод шуурига, қалбига жо қилиш, қолаверса, жаҳон миқёсида ҳам муносиб намоён этиш учун кафедра фаолиятини янада кенгайтириш зарур эди. Лектин зиёлиларимиз оруз қилган бу олижаноб ишни ўша даврда амалга ошириш бениҳоя мушкул бўлган инзоҳ талаб этмайдди. Ватанимиз мустақилликка эришгач, асрий миллий мусиқий қадриятларни тиклаш, ривожлантириш



Миллатимиз фахри бўлган Абдурауф Фитратнинг бундан қарийб 100 йил аввал қайғуриб ёзган бу оғоҳлик сўзлари бугунги кунга келиб, айни долзарблиги аён бўлиб қолди. Зеро, жаҳон миқёсида жадал кечаётган “маданиятлар оммалашуви” жараёнлари бизнинг мусиқа маданиятимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

ва халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш ишлари устувор аҳамият касб эта бошлади. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017 йил 17 ноябрь), “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги (2018 йил 6 апрель) ва “Халқаро бахшчилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги (2018 йил 1 ноябрь) қарорлари қалбларни хаяжонга солиши баробарида улуг устозлар руҳини ҳам шод этди, деган умиддаман.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони миллий мусиқий мерос ижтимоий мавқеини юксалтириш борасида фавқулодда муҳим аҳамият касб этиши шак-шўб-ҳасисдир. Зеро, аввалги қарорларда белгиланган муҳим вазифаларнинг мантикий ривожини ва табиий давоми ўлароқ, Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ўзбек мақом санъати факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилди. Институтга мақом мулкининг сўлтони, академик Юнус Ражабийнинг номи берилиши ҳам ҳар жиҳатдан асосли ва адолатлидир.

Мақомлар бизнинг даврга қадар, асосан, оғзаки анъана тарзида авлоддан-авлодга ўтиб келди. Бу мумтоз мусиқа санъатининг малакали ижрочилари бўлган чолғучи-созанда ва ашулчи-хофизлар устоз-шогирд анъанавий мактабида таҳсил олганлар. Айни вақтда марказий шаҳарларда мақомларнинг ўзига хос ва бетақдор ижрочилик мактаби ҳамда услублари ҳам шаклланиган эди. Эндликда ана шу асрий анъаналарни изчил ва мукаммал ўрганиш ва давом эттириш имкони юзага келди. Албатта, таълим жараёнида “анъанавий” ва “инновацион” усулларни ўзаро уйғунлаштириш масаласи ҳам борки, бу ҳозирги давр талабидир. Шу боис, ўқув жараёнида замонавий



технологик имкониятлардан самарали фойдаланиш, янги авлод дарсдиқлари, нота тўплamlари ва ўқув-методик адабиётларини яратиш бугунги кун тартибидан ўрин олган.

— Инсон энг қийин дамларда орасини эслаб йиғлагани каби синовли дамларда юртдошларимиз асл миллий санъатимиз намуналарини кўпроқ тинглай бошладилар. Бу руҳий ўзгариш ва синовларни кузатганингизда кўнглингиздан нималар кечади?

— Бундай ҳолларда миллий мусиқанинг нақадар қудратли ва мўъжизавий куч эканига яна бир бор иқдор бўламан. Зотан, миллий мусиқа ҳар бир халқнинг дилини, руҳий оламини ифода этади. Бинобарин, юртдошларимизнинг айни синовли дамларда миллий мусиқа намуналарини тинглашлари бежиз эмас. Чунки ана шундай дамларда мусиқа воситасида

улуг аждодларимиз руҳий силсиласига боғланиш ҳодисаси рўй берадики, шу аснода кўнгиллар таскин топиб, яна руҳий қувват олинади. Улуғларимиз мусиқани “жон озиғи ва руҳ қуввати”, деб бежиз айтмаганлар. Миллий мусиқадан руҳий қувват олиш борасида таълим-тарбиянинг ҳам катта аҳамияти бор. Бу ўринда, энг аввало, она алласи бемислдор. Мутахассислар фикрича, гўдаклигидан она алласини қалбига жо қилган фарзанд келажакда ота-онасига меҳр-мурувватли, элу юртига садоқатли бўлиб воёга етади. Бу борада алла ижрочиларининг республикамиз бўйлаб турли миқёсда ўтказилаётган қурик-танловлари ёш оналар учун ҳўп ибратлидир.

— “Оврўпо оҳанг усулларидан кўз юмуб, қўйларимиз ўз оҳангида қолишига тиришайлик. Оврўпо оҳанг усулларига эргаштириб олинган қўйларнинг этнографик нуқтасидан аҳамиятини йўқотганимиз каби уларнинг ўзбеклигини ҳам йўқотган бўлаемиз.” Абдурауф Фитратнинг ушбу мулоҳазаларини ўқиб, бир машхур санъаткоримизнинг мақомларимизни замонавий чолғулар асосида қайта ишлаш ҳақида айтган гапларини эсладим... Ахир, Чўли ироқ найда ва танбурда ижро этилса, инсонга ўзгача завқ беради-ку! Мақомларимиз миллий чолғуларимизда янграганидигина асл максадга эришилмайдими? Замонавий чолғулар бизнинг қонимизда оқаётган кўхна туйғуларни уйғота олади, деб ўйламайман. Бу борада сизнинг мулоҳазаларингиз қандай?

— Миллатимиз фахри бўлган Абдурауф Фитратнинг бундан қарийб 100 йил аввал қайғуриб ёзган бу оғоҳлик сўзлари бугунги кунга келиб, айни

миздаги хотира “дафтери” уйғониб, аждодларимизнинг беғубор орзу-умидлари руҳиятимизда қайта жонланади. Шоир адибларимизнинг ривоят ва шеърларида васф қилинган бу ажойиб асарни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш ва уни келгуси авлодга ҳам бекаму кўст етказиб бериш — бугунги кун санъаткорларининг муқаддас бурчидир. Бу мумтоз кўйнинг асрлар оша улуг устозларнинг қалб кўри билан ҳозирги кунга қадар безавол етиб келгани эса биз учун юксак ибрат намунаси бўлмоғи керак. Мен бу билан Чўли ироқни бошқа чолғуларда ижро этиш мутлоқ мумкин эмас, демокчи эмасман. Зеро, бу борада янгилик сари интилувчан ижодкорнинг салоҳияти ва ижрочининг истеъдоди ҳамда касбий маҳорати бутунлиқда асарнинг муносиб ечимини намоён этиши мумкин. Бунга санъаткорларимизнинг Чўли ироқни чолғу ансамбли ва оркестр ижросидаги муваффақиятли талқинлари ёрқин далил бўла олади.

Қолаверса, атоқли санъаткор Имомжон Икромовнинг бастакорлик ижоди ила “Чўли Ироқ”нинг ҳазрат Ивайди ғазалига боғланган мумтоз ашула йўли ҳам юзага келган.

— Сўнгги уч йил ичида тадқиқотчилик орасида мақом санъати тарихини ўрганишга интилаётган, илмий изланишлар қилаётган ёшларимиз сафиди кенгайди. Улар кўтариб чиқаётган мавзуларнинг қамрови қандай?

— Ўзбек мусиқашунослигида мақом санъати тарихи мавзуи энг қизиқарли, долзарб ва серқирра масалалардан биридир. Ўз вақтида мақомшунос олим, санъатшунослик фанлари доктори, устоз Исҳоқ Ражабов бу мавзунинг анчагина қирраларини ёритиб берган эдилар. Хусусан, Бухоро Шашмақомни Ўн икки мақом тизимининг тадриҳий ривожини асосида XVIII аср ўрталарида узил-кесил шаклланиган, Хоразм мақомлари ва Фарғона — Тошкент мақом йўлларидаги юзага келиш тарихий шарт-шароитлари шулар жумласидандир. Бугунги кун мақомшунослари кўп жиҳатдан устоз Исҳоқ Ражабов яратган илмий таълимотга таянган ҳолда илмий изланишлар қилмоқда. Сўнгги йилларда ёшлар орасида ҳам мақомлар тарихига бўлган қизиқиш тобора ортаётгани бор ҳақиқат. Мавзулар қамрови ҳам анчайин аҳамиятлилиги билан эътиборни ўзига тортади. Масалан, ёш тадқиқотчиларимиздан Чинора Эргашева “Ўзбек касбий мусиқасида назира анъаналари (“Ушшоқ” намуналари мисолида)”, Ғанижон Худоев эса “Бухоро мумтоз мусиқа анъаналари ва уларнинг замонавий талқинлари” мавзуларида самарали изланишларни амалга ошириб, ҳар иккиси ҳам 2018 йили докторлик (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Айни шу кунларда ЎзР ФА Санъатшунослик институтининг таянч докторанти Зоҳиджон Ёқубов “Шашмақом иккинчи гуруҳ шувъбалари” мавзусидаги PhD диссертацияси устида изланмоқда. Уйлайманки, бугунги кунда мақом санъатига тобора ортади бораётган ижтимоий эътибор ва қизиқиш ортида бундай тадқиқот ишлари ёшлар орасида янада қизғин тўла олади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.